

Миллий кутубхонада беш кун

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ёшлигимиз ўтган қутлуг маскан. Ўша пайтда улугвор кўринган бу илм маскани иккита ўқув залидан иборат эди. Бирида биздек талабалар ва барча муштарийлар мутола қилса иккинчисида олимлар илм билан машгул бўлишарди. Қадрдон кутубхона қирқ беш йил ичида тўрт жойга кўчди. Бугунги мухташам зиё маскани билан қиёсласангиз олдингилари мўъжазгина бўлиб кўринади. Миллий кутубхона беш қаватли қасрдан иборат бўлиб, барча шарт-шароитларга эга ўн бешта ўқув зали, катта-кичик мажлислар зали, кўрғазмалар зали, ҳатто болалар хонаси мавжуд. Кутубхонага аъзо бўлиш тартиби жуда қулай. Икки дақиқада расмингиз туширилган аъзолик хужжатини кўлингизга тутқазишади. Ўқув заллари компьютерлаштирилган ва улар интернетга уланган. Айвонлари улугвор. Биринчи қаватнинг айвонида анъанага айланган *INFOLIB* – Ахборот – кутубхона ҳафталигининг тантанали очилиши бўлади. Чор-атроф шарлар билан безатилади. Оркестр гўзал куй ижро этиб туради. Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг чиқишларини худди театрлардагидек иккинчи қаватнинг айвонидан ҳам томоша қилиш мумкин. Буларнинг бари Ватанимиз мустақиллигининг, мамлакатимиздаги улугвор ислоҳату бунёдкорликнинг шарофати, албатта. Ушбу зиё масканида ўша мухташамликка яраша дилларга зиё улашадиган ўттиздан ортиқ тадбир бўлиб ўтди. Ҳафтанома кенг камровлиги, айниқса ёш мутахассислар, болалар, умуман ёшларнинг иштироки ҳисобга олинганлиги билан ҳам ўзига хос бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Ҳафтаномаининг ҳар бир куни ўзига алоҳида номланади.

Биринчи кун – очик эшиклар куни. Тантанали очилиш бўлиб ўтгандан сўнг мутахассислар учун “Фойдаланувчиларнинг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантиришда ахборот – кутубхона муассасаларининг ўрни” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтади. Миллий кутубхона раҳбарияти давра суҳбатини қисқа кириш сўзи билан очиб, ҳафтаномаининг мақсад – муддаоси билан таништиради. Яна мен қатнашган тадбирда Тошкент шаҳар “Билим” кутубхонаси директори Ҳофиза Каримова кутубхонадан фойдаланиш, библиографик хизматни самарали йўлга қўйишдаги иш услублари, Чиланзар туманидаги 195-мактаб болалари билан медиасаводхонликни юксалтиришда олиб борган тажрибалари хусусида гапирди. Ўзбекистон Фанлар академияси кутубхонаси директори Зухра Бердиева Корея республикасининг китобхонлик борасидаги илгор тажрибалари хусусида ҳикоя қилди.

Ахборотлашган жамиятнинг тараккий этиши ахборот-кутубхона тизимининг ривожланишига ва аҳолига хизмат кўрсатилишининг тубдан ўзгаришига олиб келганлиги туфайли маърузаларнинг аҳамияти катта бўлди... Кутубхона мутахассислари бир-бирининг тажрибасини ўрганишди, фикр алмашишди. Давра суҳбати доирасида маҳорат дарслари ҳам бўлиб ўтди.

Ўша пайтда кичик залда эса навоийхонлик соатлари ўтказилди... Алишер Навоийнинг “Ҳамсат ул – мутахаййрийн” асарининг навоийшунос Азиз Қаюмов ва филология фанлари доктори Динара Азимованинг саъй-ҳаракатлари билан рус тилига ўгрилган “Пятерица изумлений” китобининг тақдироти бўлди. Таржима Навоий ва Жомий асарларининг жаҳон майдонига олиб чиқилишида самарали фаолият бўлди.

Марказий Осиёнинг илк овозсиз фильмлари фото кўргазмаси ташкил этилиб, овозсиз фильмлар намойиши бўлиб ўтди. Санъатшунослик фанлари номзоди Нигора Каримованинг “Муқаддима” лойиҳаси асосида тайёрланган тадбирнинг қимматли томони шундаки, бутун дунёга кино санъати энди кириб келаётган бир пайтда бизнинг юртимизда ҳам кино соҳаси ривожланганидан далолат беради.

Иккинчи кун-мутахассислар куни. Ахборот кутубхона соҳаси мутахассислари маҳоратини юксалтириш, касб нуфузи ва аҳамиятини ошириш мақсадида ўтказилган “Ахборот кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” танловининг республика босқичидаги икки кун давом қилди. У Ўзбекистон Республикаси Ахборот тенологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими, Халқ таълими вазирлиги тассаруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ўртасида ўтказилди. Мутахассислар тўрт йўналишда ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Инновацион технологиялар бўйича ўтказилган беллашуви айниқса қизиқарли кечди. Ҳар бир команда янги технологияларни жорий этиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар. Масалан, Тошкент шаҳрининг “Олмас” командаси Узтелеком корхонаси билан ҳамкорликда “SMS-хабарномаси ташкил этиш” гоясини илгари сурди. Аҳолини янги адабиётлар, тадбирлар, маҳорат дарслари каби мавзуларда мунтазам янгиликлар билан таништириб бориш китобга бўлган меҳрни кучайтиришни ифода этдилар. Андижон вилояти командаси эса болалар учун тайёрланган “Китоблар қасри-орзулар рўёби” инновацион тенологиясини намойиш этди. Кутубхона қошида кичкинтойларни китоблар оламига етакловчи китоблар қасри бунёд этиш лозимлигини таъкидлаб, қасрнинг қўлда чизилган лойиҳасини кўрсатиб, унинг аҳамиятини акс эттирди.

Беллашувда фаргоналиклар биринчи, андижонликлар иккинчи, Тошкент шаҳри командаси учунчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Бухоро ва Тошкент вилоятларига ҳам кейинги ўринлар ажратилди. Ҳар бир иштирокчиларга эсдалик совгалари топширилди.

Айни кунда ахборот ресурсларини тушинадиган, жаҳон ва миллий маданий бойликларни қидириш ва амалга ошириш йўлларини амалга ошира оладиган билимдон фойдаланувчиларга эҳтиёж ўсиб бормоқда. КАДАТА автоматлашган ахборот кутубхона тизими бўйича тренинга Ве Про компанияси мутахассиси ушбу тизим ҳақида сўзлаб берди. Тизимга аъзо бўлган ва аъзо бўлмаган фойдаланувчиларнинг кириш қоидалари яъни оддий, кенгайтирилган, муфассал ва лугат бўйича амалга ошириладиган қидирув билан таништирди. Мутахассис мазкур тизимда ишлаш тажрибаси бор кутубхона фойдаланувчилари билан мулоқат ҳам олиб борди. Соҳани янада ривожлантиришда уларнинг фикрлари асқатишини таъкидлади.

Кун якунида Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Ўзбекистондаги Италия элчихонаси ҳамкорлигида мусиқа кечаси бўлди. Италия тили асосчиси, буюк шоир Данте Алигъери таваллудининг 750 йиллигига бағишланган тадбирда ёш ижрочилар "Илоҳий комедия" асаридан мусикалар ижро этдилар.

Учинчи кун – ижод куни. Бу кун асосан ёш ижодкорлар билан ишлаш соатлари бўлди. Бутун эътибор кутубхонанинг ёш ўқувчиларига қаратилди. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, мамлакат келажаги ва илмий салоҳияти улар қўлида бўлади. Кутубхонанинг "Тафаккур" залида 41-мактабнинг 6-7-синф ўқувчилари ўртасида "Адабиёт билимдони" танловида классик ва ҳозирги замон миллий ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг энг яхши билимдонини аниқланди.

"Ижод" залида эса Тошкент шаҳар мусиқа коллеж ва лицейлари ўқувчилари учун мусиқий қобилиятларини юксалтиришга қўйиаклашиш мақсадида "Мусиқа билимдони" танлови ўтказилди.

Киномарказда эса бошлангич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ахборот маданияти ва медиасаводхонлик бўйича кўплаб маҳорат дарслари ўтказилди. У ЮНЕСКОнинг "Ахборот-кутубхона муассасаси мутахассисларининг ахборот маданиятини ва медиасаводхонлигини шакллантириш" лойиҳаси доирасида бўлиб ўтди. Дарсларни кутубхонанинг етакчи мутахассислари олиб бордилар.

Рус маданият маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар мактабларининг 3-4-синф ўқувчилари орасида “Биз китобни севамир” номли болалар чизган сувратларининг кўргазмаси уюштирилиб, танлов ўтказилди.

Кун якунида “Баркамол авлод” болалар марказининг музика чикиши ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон билан ижодий учрашув иштирокчиларга олам завқ бағишлади.

Тўртинчи кун-хорижий тиллар кун Мамлакатимизда болаларнинг тил ўрганишига алоҳида эътибор берилди. Бу борада мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг махсус қарори ҳам бор. Халқимиз “тил билган дил билади” дейди Шунинг учун ушбу кун талабаларнинг тил эгаллашишига кўмаклашишга бағишланди.

Кутубхонанинг “Жаҳон” залида АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда “АҚШда таълим” мавзуида суҳбат уюштирилди. АҚШда таълим тизими, абитуриентларга қўйиладиган талаблар, керакли ҳужжатлар ва уларни топшириш муддатлари, таълим олиш нархлари, талабалик ҳаёти ва ўқув даврида ишлаш имкониятлари, талабалик визасини расмийлаштириш ва таълим олгандан кейинги истиқболлар хусусида суҳбатлар бўлиб ўтди. Яна АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда хат ва иншо ёзиш кўникмалари бўйича тренинг ўтказилди ва мавзунини мустақамловчи викторина уюштирилди.

Кичик мажлислар залида эса Британия кенгаши билан ҳамкорликда “Инглиз тили билимлари бўйича халқаро IELTS тестлари: амалий саволлар” мавзуида суҳбат бўлди. Унда иштирокчилар IELTS тестларига тайёргарлик ва уни топширишга доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Британия кенгаши билан ҳамкорликда уюштирилган иккинчи бир тадбирда Буюк Британиядаги олий таълим муассасалари хусусида маълумот берилди.

Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда немис тилини ўрганувчилар билан амалий машгулотлар уюштирилди. Иштирокчилар немис тилини ўрганишга ёрдам берадиган интернет ресурслари билан танишиб, улар билан ишлашни амалда синаб кўрдилар.

Корея элчихонаси ва “Мараги” клуби билан ҳамкорликда корейча сўзлашиш клубининг фаолияти билан танишдилар. Корея таълими тизими ва корей тили

билимларини аниқлаш бўйича халқаро TOPIC тести ҳақида маълумот олдилар. Тадбир сўнгида Корея Республикаси маданияти ва тарихи борасидаги билимларни баҳоловчи танлов бўлиб ўтди.

Кун давомида “Жаҳон адабиёти” журнали жамоаси ва халқаро мусиқа танловлари голиблари Сардор Милано ва Сабина Мусаевалар билан ижодий учрашув бўлди.

Бешинчи кун-маданиятлар хилма хиллиги кун. Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат вакиллари дўстона ва тинч яшаб, бир-биридан ўрганади ва ўргатади. Бу кун ташкил этилган кўргазмалар, концертлар дўстона ҳамкорликни, осойишта ҳаётимизнинг рамзи бўлди. Турли-туман кўргазмалар эса юртимизда турфа миллат ҳунармандчилиги ардоқланаётганини ифодалади. Турли залларда халқ амалий санъати, бадийий ўймакорлик, гиламдўзлик, каштачилик бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Заргарлик буюмлар кўргазмасида ўз маҳсулотларини намойиш этаётган Фотима Юсупова шундай дейди: “Мен Низомий номидаги педогогика институтининг касб таълими факультетини битказиб, ота-боболаримнинг касбини давом қилдираяпман. Заргарлик билан шугулланаётган тўртинчи авлодман. Устозим отам бўлади”. Унинг шахсий кўргазмаси жуда нозик ишланган юздан ортиқ маҳсулот миллий ва ўзга миллатларнинг заргарлик усуллари мавжудлиги билан ажралиб турарди.

Пскентлик тадбиркор Дилноза Раҳмонкулова миллий мато адрасдан тайёрланган, чапон, костюм, нимча, кўйлак, сўмка, ҳамён каби маҳсулотлари билан қатнашди.”Пскент туман ҳунармандлар уюшмамизда 70та касаначи ва 8та тадбиркоримиз бор, улар халқ амалий санъати ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг 42 хил йўналиш бўйича ишлашади. Айни кунда янги бир йўналишни тошга ишлов бериб турли мўнчоқлар, эдалик буюмлар иясашни йўлга қўймоқчимиз. Халқимиз орасида исътедод эгалари жуда кўп. Уларнинг фаолиятини тўғри ўзанга сола билиш керак, фақат. Бу эса уларнинг оиласига ҳам юртимизга ҳам қут-барака келтиради”.-дейди у

Тадбиркор Жаҳонгир Умаров ҳамкорликда яратган ўқув дастури бўйича Тошкент шаҳридаги Олмазор енгил саноат касб-ҳунар коллежида гиламчилик маҳоратидан дарс берилмоқда. “Бундай кўргазмалар, маҳорат дарслари бизни тажриба алмашишга ва ижодкорликка чорлайди. – дейди у.

Тадбирнинг охири кунида озарбайжон ёзувчиси Юнус Ўғизнинг ўзбек тилига таржима қилинган “Малика ва жодугар” тарихий романининг тақдими ўтказилди.

Тадбир якунида Ўзбекистон байналминал маданияти маркази қошидаги азарбайжон, корейс, рус, уйгур паляк, татар, қозоқ маданият марказларининг бадий чикишлари бўлди. Буларнинг бари осойиша юртга тўйлар, байрамлар ярашишини ифодалаб турибди. Энг асосийси бу тадбирлар ҳар йили ўтказилиши анъанага айланганлиги билан гўзалдир!

Раъно Зарипова, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист